O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI MILLIY KITOB PALATASI
INV. №

Shu aziz Vatan — barchamizniki

O'ZBEKISTON OVOZI

O'ZBEKISTON XALQ DEMOKRATIK PARTIYASI

IJTIMOIY-SIYOSIY GAZETA

• 2008-yil • 22-iyul • Seshanba • 87 (27.892) • www.uzbekistonovozi.uz • 1918-yil 21-iyundan chiqa boshlagan

Жорий йилнинг биринчи ярим йиллигида ялпи ички маҳсулотнинг ўсиши 9,3 фоизни, саноат ишлаб чиқариши ҳажмлари ўсиши 12,2 фоизни, истеъмол товарлари ишлаб чиқариш бўйича 16,6 фоизни, қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқариши бўйича 5,4 фоизни, чакана товар айланмаси бўйича 14,4 фоизни, пулли хизматлар кўрсатиш бўйича 18,9 фоизни ташкил қилди.

ЎЗБЕКИСТОН — КУВАЙТ:

ҲАМКОРЛИКНИНГ ЯНГИ БОСҚИЧИ

Кувайт Давлати Амири шайх Сабоҳ ал-Аҳмад ал-Жобир ас-Сабоҳ 21 июль куни расмий ташриф билан мамлакатимизга келди. Тошкент аэропортида олий мартабали меҳмонни Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов кутиб олди.

Дўрмон қароргоҳида Кувайт Давлати Амирини расмий кутиб олиш маросими бўлди. Олий мартабали меҳмон шарафига фахрий қоровул саф тортди. Ислом Каримов ва шайх Сабоҳ ал-Аҳмад ал-Жобир ас-Сабоҳ шоҳсупага кўтарилдилар. Ўзбекистон ва Кувайт давлат мадҳиялари янгради. Икки мамлакат раҳбарлари фахрий қоровул сафи олдидан ўтдилар.

Ислом Каримов ва шайх Сабоҳ ал-Аҳмад ал-Жобир ас-Сабоҳнинг яккама-якка суҳбатида Ўзбекистон — Кувайт муносабатларига доир масалалар, томонларни қизиқтирган халқаро ва минтақавий аҳамиятга молик муаммолар юзасидан фикр алмашилди.

Ислом Каримов меҳмонни юртимизга ташрифи билан қутлар экан, Кувайт Ўзбекистоннинг Форс кўрфази минтақасидаги энг яқин ва ишончли шерикларидан бири эканини қайд этди. Ушбу ташриф 2004 йилда бўлиб ўтган ал-Кувайт саммитининг мантиқий давоми эканини таъкидлаб, бу галги музокаралар икки томонлама ҳамкорлик қўламини янада ошириб, янги мазмун билан бойитишига қатъий ишонч билдирди.

Шайх Сабоҳ ал-Аҳмад ал-Жобир ас-Сабоҳ Ўзбекистонга таклиф этгани учун Ислом Каримовга самимий миннатдорлик билдириб, ушбу ташриф икки томонлама муносабатларга оид барча долзарб масалалар, ҳамкорликнинг ҳозирги босқичи ва истиқболлари юзасидан кенг фикр алмашиш учун яхши имконият яратишини таъкидлади.

Ўзбекистон ва Кувайт халқлари ўртасида маънавий яқинлик бор. Хусусан, Кувайтда Моровроуннаҳрнинг ислом цивилизацияси, жаҳон илми ва маданияти ривожига беқиёс ҳисса қўшган буюк алломаларига катта ҳурмат-эҳтиром билан қаралади. ISESCO томонидан Тошкент 2007 йилда Ислом маданияти пойтахти деб эълон қилингани халқимизни қанчалик қувонтирган бўлса, Кувайт жамоатчилиги ҳам бу хабарни шунчалик катта хушнудлик билан кутиб олди.

2004 йилда Президент Ислом Каримовнинг «Ўзбекистон XXI аср бўсағасида: хавфсизликка таҳдид, барқарорлик шартлари ва тараққиёт кафолатлари», 2006 йилда эса «Ўзбек халқи ҳеч қачон, ҳеч кимга қарам бўлмайди» асарлари Кувайтда араб тилида нашр этилди. Бу Ўзбекистон ва Кувайт сиёсат соҳасида, хусусан, халқаро ва минтақавий миқёсда тинчлик ва барқарорликка хавф солувчи турли таҳдидларга қарши курашда жипслик ва ҳамкорлик зарурлиги борасида ҳамфикр эканидан ёрқин далолатдир. Бу ҳамфикрлик икки мамлакатнинг терроризм ва экстремизмга, наркотик моддалар ва қуроллярга контрабандасига қарши курашида, Афғонистондаги тикланиш ишларида ҳамжиҳат ҳаракат қилишга интилишида ҳам намоён бўлмоқда. Ўзбекистон билан Кувайт ўртасида терроризм, наркотик воситалар контрабандаси ва уюшган жиноятчиликка қарши курашда ҳамкорликка оид битим амал қилмоқда. Кувайт Трансафғон йўли лойиҳасига ҳам катта қизиқиш билан қарайди.

Мамлакатларимизнинг экология соҳасидаги ҳамкорлигини ривожлантириш ҳам жуда долзарб масала. Кувайт сувдан тежамли фойдаланиш борасида катта тажрибага эга. Бу йўналишдаги алоқаларни янада ривожлантириш нафақат сув хўжалиги, балки қишлоқ ва ўрмон хўжалиги соҳалари, шаҳар инфратузилмалари учун ҳам фойдалидир. Тежамкорлик ҳақида гап кетганида масала ўз-ўзидан энергетика соҳасига бориб тақалади. Ўзбекистон ва Кувайт ҳамкорликда энергия тежашнинг янги технологияларини ишлаб чиқиши ва биргаликда фойдаланиши мумкин. Мамлакатларимиз энергия манбаларининг бой захираларига эгалиги эса нефть ва газ конларини топиш ва ўзлаштириш борасида ҳамкорлик учун катта имкониятдир.

Ўзбекистон билан Кувайт ўртасида савдо-иқтисодий ва илмий-техникавий соҳаларда ҳамкорлик, сармояларни ўзаро рағбатлантириш ва ҳимоялаш, икки томонлама солиқдан қочишга оид ҳужжатлар имзоланган. Бундай ҳуқуқий асос ўзаро алоқаларни деярли барча йўналишларда ривожлантириш учун яхши имкониятлар очмоқда. Транспорт коммуникациялари соҳасидаги ҳамкорлик ўзаро савдо қўламини янада ошириш, ишбилармонларнинг бевосита ҳамкорлигини фаоллаштириш, учинчи давлатлар билан шериклик алоқаларини ривожлантириш имконини беради. Масалан, Трансафғон йўлининг барпо этилиши йўл ўтадиган жойларда ривожланган, кўп тармоқли инфратузилма юзага келишини, Афғонистон аҳолисининг иш билан банд бўлишини, ушбу мамлакатнинг минтақавий интеграция жараёнларига қўшилишини таъминлайди. Шу билан бирга, бу йўл Ўзбекистон билан Кувайтни бир-бирига яқинлаштиради. Бу эса Марказий Осиё ва Форс кўрфази давлатлари ўртасида улкан интеграция макони вужудга келади демакдир.

Ислом Каримов ва шайх Сабоҳ ал-Аҳмад ал-Жобир ас-Сабоҳ ўзаро мулоқотни икки мамлакат расмий делегацияларининг кенгайтирилган таркибдаги музокарасида давом эттирдилар.

Таъкидлаш керакки, Ўзбекистон — Кувайт муносабатларида савдо-иқтисодий ва сармоявий ҳамкорлик муҳим ўрин тутади. Ушбу йўналишда Кувайт араб иқтисодий ривожланиш жамғармаси билан алоқалар изчил ривожланиб бормоқда. Мазкур ташкилот дастлаб 1997 йилда Нукус ва Урганч шаҳарларини сув билан таъминлаш лойиҳаси учун 19,8 миллион АҚШ доллари миқдорида кредит ажратган эди. 2004 йилдаги ал-Кувайт саммити асосида Ўзбекистон ҳукумати билан Кувайт араб иқтисодий ривожланиш жамғармаси ўртасида ҳамкорлик тўғрисидаги меморандум имзоланди. Бу ҳужжат мамлакатимиздаги сув ва энергия таъминоти, ирригация, қурилиш соҳаларига оид 9 лойиҳани молиялаштириш учун 215 миллион АҚШ доллари миқдорида маблағ ажратишни назарда тутади. Меморандум доирасида 2005 йили «Тўқимачи — Ангрен темир йўл қисмини электрлаштириш» (20 миллион), 2006 йили «171 туман шошилинч тиббий ёрдам марказини замонавий асбоб-ускуналар билан жиҳозлаш» (20,75 миллион) лойиҳалари учун маблағ ажратилди. Ушбу жамғарма билан Араб мувофиқлаштириш гуруҳи доирасида ҳам фаол ҳамкорлик йўлга қўйилган. Унинг ўтган йили Тошкентда бўлиб ўтган мажлисида Ўзбекистондаги таълим, соғлиқни сақлаш, қишлоқ ва сув хўжалиги, энергетика, кимё саноати, коммунал хизмат, қурилиш ва металлургия соҳаларига доир жами 26 лойиҳа кўриб чиқилди.

Икки давлат савдо-саноат палаталари ўртасида ҳамкорлик тўғрисидаги протокол имзоланган. Бу ҳужжат ишбилармон доиралар ўртасида алоқаларни ривожлантиришга хизмат қилмоқда.

Бундан ташқари, икки мамлакатнинг экспорт, сармоя ва сайёҳлик соҳасидаги салоҳиятига доир семинар, кўргазма ва тақдимот маросимлари мунтазам ўтказиб келинмоқда.

Бундай муваффақиятли ҳамкорликка яна кўплаб мисоллар келтириш мумкин. Лекин музокарада таъкидланганидек, ҳозирги кўрсаткичлар томонларни қониқтирмайди. Ўзаро товар айирбошлаш ҳажми нисбатан паст бўлиб, асосан Ўзбекистоннинг экспортидан иборат. Шу боис маҳсулотлар турларини қайтадан биргаликда кўриб чиқиш, савдо-сотиқни ривожлантириш чора-тадбирларини ишлаб чиқиш лозим. Қўшма корхоналарни кўпайтириш ҳам муҳим аҳамиятга эга. Ўзбекистонда ўтказиладиган анъанавий пахта, тўқимачилик, сайёҳлик ярмаркаларида, бошқа иқтисодий форумларда, юртимизда кенг давом этаётган хусусийлаштириш жараёнида Кувайт вакилларининг кўпроқ ва фаолроқ қатнашишини таъминлаш икки томон учун ҳам фойдали бўлади.

Музокарада гуманитар ҳамкорликка алоҳида эътибор қаратилди. 1996 йили Тошкентда Кувайт халқаро хайрия ташкилоти — Осиё мусулмонлари қўмитасининг бўлими очилган. Имом ал-Бухорий, Аҳмад ал-Фарғоний каби буюк аждодларимизнинг юбилейларига бағишланган тантаналарда Кувайтдан нуфузли делегациялар иштирок этган. Ўзбекистон мусулмонлари идораси билан Кувайтнинг вақф ва ислом ишлари вазирлиги ўртасида ҳамкорлик тўғрисидаги меморандум имзоланган.

2007 йили Тошкент ва Самарқандда ўтказилган «Ўзбекистоннинг ислом цивилизацияси ривожига қўшган ҳиссаси» мавзуидаги халқаро анжуманда, ISESCO томонидан Тошкентнинг 2007 йилда Ислом маданияти пойтахти деб эълон қилиниши муносабати билан бўлиб ўтган бошқа қатор тадбирларда Кувайтдан олимлар, мутахассислар фаол иштирок этдилар.

Бундан ташқари, Кувайт санъаткорлари Самарқандда ҳар икки йилда ўтказиладиган «Шарқ тароналари» халқаро мусиқа фестивалининг доимий қатнашчиларидир. 2007 йили бўлган фестивалда Гран-при — олий мукофотга Кувайт вакиллари сазовор бўлганини алоҳида таъкидлаш жоиз.

Музокарада илм-фан, соғлиқни сақлаш, сайёҳлик, спорт каби соҳалардаги алоқаларни ривожлантириш масалалари ҳам кўриб чиқилди.

Музокара якунида Ўзбекистон Республикаси ва Кувайт Давлатининг қўшма баёноти қабул қилинди.

Шунингдек, икки мамлакат ҳукуматлари ўртасида ҳамкорлик бўйича қўшма қўмита тузиш тўғрисида, соғлиқни сақлаш соҳасида ҳамкорлик тўғрисида, туризм соҳасида ҳамкорлик тўғрисида битимлар, нефть ва газ соҳасида ҳамкорлик тўғрисида, атроф-муҳит ва табиий ресурсларни муҳофаза қилиш соҳасида ҳамкорлик тўғрисида англашув меморандумлари, Ўзбекистон Республикаси ҳукумати билан Кувайт араб иқтисодий ривожланиш жамғармаси ўртасида ҳамкорлик тўғрисида англашув меморандуми, мамлакатимиз ҳукумати билан мазкур жамғарма ўртасида Республика ихтисослаштирилган хирургия марказининг кардиохирургия бўлимини таъмирлаш ва жиҳозлаш бўйича кредит шартномаси (12,97 миллион АҚШ доллари), Ўзбекистон Республикаси Ташқи иқтисодий алоқалар, инвестициялар ва савдо вазирлиги билан Кувайтнинг «Mohammed Abdulmohsin Al-Kharafi & Sons» компанияси ўртасида меҳмонхона қуриш ҳақида меморандум, мазкур вазирлик билан Кувайт инвестиция агентлиги ўртасида англашув протоколи имзоланди.

Таъкидлаш жоизки, Ислом Каримовнинг 2004 йилдаги Кувайтга расмий ташрифи чоғида ўзаро муносабатларнинг ҳуқуқий асоси яратилган бўлса, бу галги Тошкент саммитида ана шу пойдевор янада мустаҳкамланиб, икки томонлама ҳамкорликни янги босқичга олиб чиқишга хизмат қиладиган келишувларга эришилди. Демак, Ўзбекистон — Кувайт муносабатлари ўз тараққиётининг янги босқичига қадам қўймоқда, дейиш учун барча асослар етарли.

(ЎзА)

Мустақиллик менинг тақдиримда

«ОЛАМ БОЛАЛАРИ ОРОЛНИ БИЛДИЛАР...»

Ҳамюртимиз, 12 ёшли Моҳинур Муҳримова шу йилнинг 15-21 июнь кунлари Норвегияда бўлиб ўтган «Тунза — 2008» халқаро экологик танлови ғолиби бўлди.

Болалардаги ноёб истеъдодни кул остида ётган чўғга ўхшатишади. Зеро, уни аланга олдириш кўп жиҳатдан ота-онаси, оиладаги маънавий муҳит, устоз ва ўқитувчилари саъй-ҳаракатига боғлиқ. Моҳинурнинг қалбида ҳам бир тутам ўт, ялт этган қобилият бор.

У Республика тасвирий ва амалий санъат лицейининг рассомлик йўналиши бўйича 7-синфда ўқийди. Мурғаккина юрагида оламни рангин бўёқларда акс эттириш, айниқса, табиатнинг сеҳрли олами, уни асрабавайлаш истаги яшайди...

— Ўтган йилнинг сентябрь ойида интернет орқали Норвегиянинг Ставангер шаҳрида 2008 йил 15-21 июнда Халқаро Болалар экологик конференцияси ва унинг ўзига хос танлови бўлиб ўтиши ҳақида хат олдим, — дейди лицей директори Соми Содиқов. — Маълум бўлишича, БМТнинг ЮНЕП дастури асосида «Атроф-муҳитни муҳофаза этиш» мавзуидаги танловда 11-12 ёшли болалар ўз ижодий ишлари билан қатнашар экан. Рассомлик бўлими ўқувчиси Моҳинур танловга ўз лойиҳасини тайёрлади. Унинг ижодий иши Орол денгизи муаммоларига бағишланган эди.

Тўғриси, Моҳинурнинг лойиҳаси менда катта қизиқиш уйғотди. Унинг лойиҳаси ва маърузаси, Орол ҳақидаги расмлари, юртимиз ҳамда лицейимиз ҳақида ҳикоя қилувчи фотосуратларини электрон почта орқали Норвегияга, халқаро танлов ташкилий қўмитасига юбордик...

2008 йилнинг январ ойида ташкилий қўмитадан Моҳинур Муҳримовага танлов ғолиби сифатида табрик хати келди...

— Беш ой давомида устозим Соми Тожибоевич билан лойиҳамни янада сайқаллаштирдик, она-юртимиз акс эттирилган видео лавҳа ва мактабимиз фаолияти ҳақида ҳикоя қилувчи янги маълумотлар билан бойитдик, —болаларча энтикиб сўзлайди Моҳинур. — Март ойида анжуманга расмий таклифнома олдик. Халқаро болалар конференциясида дунёнинг 105 та давлатидан келган 700 нафардан ортиқ ёшлар қатнашди. 300 нафардан ортиқ болалар таҳсил олаётган таълим муассасалари раҳбарлари ва турли ташкилот вакиллари, ота-оналар иштирок этдилар...

Моҳинур Халқаро анжуманда ўзининг «Менинг Оролим» мавзуидаги суратлар кўргазмаси ҳамда Ўзбекистон ҳақидаги маърузаси тақдимотини ўтказди. У дунё болаларига Орол муаммоси, давлатимиз томонидан Оролбўйида амалга оширилаётган кўламли ишлар ҳақида сўзлаб берди. Оролни қутқариш учун тенгдошларини ҳамкорликка чақирди. Айниқса, унинг тақдимоти конференция ташкилий қўмитаси ва дунё болаларида катта таассурот қолдирди.

— Тақдимот охирида, — деди у ҳаяжон билан, — дунёнинг 100 дан ортиқ мамлакатидан келган болалар: **«Орол! Биз — олам болалари сени билдик, биз сени асраймиз!»** — дея жўр бўлиб қарсак чалишди...

Анжуман сўнггида Моҳинур Ставангер шаҳридаги табиатни асраш боғига рамзий дарахт кўчати ўтказди. Уни «Орол дарахти» деб номлашди.

Моҳинурнинг келажакдаги орзу, мақсадлари билан ҳам қизиқдик.

— Лицейимизда истеъдодли болалар кўп. Устозларимиз рассомлик ва мусиқа санъати сирларини ўргатишяпти. «Тунза — 2008» танловида эришган ютуғимда инглиз тилини яхши билишим асқотди. Мен келажакда флористика мусаввири ва дизайнерлик билан шуғулланишни орзу қиламан. Чунки, оламни табиат ва гуллар орқали кўраман.

— Фахр билан айтаманки, — яна сўзга қўшилди лицей директори Соми Содиқов, — ўндан ортиқ ўқувчиларимиз муваффақияти Президентимиз ташаббуси билан чоп этилган «XXI аср: истиқболимиз тимсоллари» китобида эътироф этилди!

Кези келганда шуни айтиш керакки, лицейимизнинг истеъдодли ёшларини Ўзбекистон Бадиий академияси раҳбарияти қўллаб-қувватламоқда. Ҳамма-ҳаммасига раҳмат...

Дарҳақиқат, Республика тасвирий ва амалий санъат лицейи 1997 йил Ўзбекистон Бадиий академияси тасарруфига ўтказилди, шундан сўнг лицей фаолиятида янги саҳифа очилди. Айни пайтда, мазкур ўқув масканида республикамизнинг турли вилоятларидан келган 600 нафарга яқин ёш истеъдодлар таҳсил олмоқда. 70 нафардан ортиқ истеъдодлар халқаро болалар расмлари танловлари ҳамда Ж.Неру номидаги олтин, кумуш медалларга ва нуфузли совринларга сазовор бўлишган.

Саида САЙХУН,
«Ўзбекистон овози»
мухбири.

Суратларда: Моҳинур Муҳримова «Тунза — 2008» конференциясида; истеъдодли ўқувчининг халқаро танловга қўйилган ижодий ишларидан намуналар.

Истеъдодли ёшлар — миллат ғурури, мамлакат таянчи

ИХТИРО

ёхуд ёнилғисиз ҳаракатланадиган автомодель яратилгани хусусида

Электромобиль (яъни, ёнилғисиз аккумулятор батарея орқали ҳаракатланадиган автомашина моделини) яратган Тошкент автомобиль йўллар институти магистранти Дилшод НАБИЕВ ҳақида гап кетса, унинг курсдошлари-ю устозлари ҳазил аралаш «тараққиётдан олдин юрадиган йигит» деб қўйишади. Бу ҳазил ортида ҳақиқати ҳам бор, албатта.

— Даврнинг шиддат билан ўзгариб бораётганини қаранг, керак бўлса, турли соҳаларда кўз кўриб, қулоқ эшитмаган кашфиётлар амалга ошяптики, ҳайратга тушасиз. Лекин XXI аср — тараққиёт асри, глобаллашув даври эканлигини ҳисобга оладиган бўлсак, менинг бу ҳаракатларим ушбу жараёнда денгиздан бир томчи. Аслида ёшлигимдан автомобилсозлик соҳасига жуда қизиқаман, — дейди ёш ихтирочи. — Шу боисми, яқин келажакда ёнилғисиз ишлайдиган автомобилларга эҳтиёж ошишини башорат қилаётган мутахассисларнинг изланишларини мунтазам кузатиб келаман. Ва ўзим ҳам бу борада айрим янгиликлар қилишга уриняпман. Чунки автомобиллардан чиқаётган зарарли тутунлар ҳавонинг ифлосланиш даражасини кескин даражада ошириб юбормоқда.

Хўш, эндигина 24 ёшга кирган Дилшодбек ихтиро қилган янги электромобиль лойиҳаси бугунги кун машиналаридан нимаси билан фарқ қилади? Ўзининг изоҳ беришича, ундан зарарли газлар чиқмайди, бошқарув тизими ҳам қулай. Мотори оддий кўринишда бўлиб, шовқинсиз ишлайди. Ҳаракатланиши эса аккумулятор батареядаги токни механик энергияга айлантириб бергач, бошланади. Яъни, тортувчи мотор ва пультни бошқариш механизми бир-бирига боғлиқ бўлмаган ҳолда ҳаракатланади. Деярли барча жараёнлар аккумулятор батареялари орқали ҳаракатга келади...

Хуллас, ўзини ўзи электр манбаи билан таъминлашга мўлжалланган бу янги электромобиль макети тайёр. Олдинда эса ҳали яна қанча синовлар, тажриба ва изланишлар бор. Дилшодбек Набиев эса бир кун келиб, ўзи яратаётган бу ноёб кашфиёт автомобилсозлик соҳасида эътироф этилишига ишонади.

Тоштемир ХУДОЙҚУЛОВ,
«Ўзбекистон овози»
мухбири.

O'zbekiston havo yo'llari
TOSHKENT XALQARO AEROPORTI
Хизматлар лицензиялан

ЎзХДПда сиёсий ва фуқаролик маърифати

МАЪНАВИЙ ЮКСАЛИШ

фуқаролик жамиятининг асосий шартларидан биридир

— Маънавиятнинг инсон ва жамият ҳаётидаги аҳамияти беқиёсдир. Буни дилдан ҳис қилиб, фуқароларнинг маънавий юксалишига эришиш, глобаллашув жараёнида мамлакатга суқилиб киришга интилаётган ёт ва зарарли, халқимиз тарихий анъаналари, интилишларига зид оқимларга қарши курашиш бугуннинг долзарб вазифаларидан. Ёшларда юксак маънавиятни шакллантириш, уларни миллий қадриятларимиз, фуқаролик маърифати руҳида тарбиялашда фақатгина оила ва мактаб эмас, балки кенг жамоатчилик ва фаоллар ҳам масъулдир. Шундан келиб чиқиб, ЎзХДП ташкилотлари шу масалага алоҳида эътибор қаратаяпти, — деди Ўзбекистон ХДП Тошкент шаҳар кенгаши томонидан ташкил қилинган «Миллий ғоя ва маънавий юксалиш: тамойиллар ва вазифалар» мавзуидаги илмий-амалий конференцияни очар экан, шаҳар партия кенгаши раиси Учқун Шойимқулов.

2-бет

МАЪНАВИЙ ЮКСАЛИШ

фуқаролик жамиятининг асосий шартларидан биридир

(Давоми. Боши 1-бетда)

Истиқлол йилларида миллий маънавиятимиз қайтадан тикланди ва ривожланмоқда, бу борада амалга оширилаётган кенг кўламли ишлар, ўзгаришлар жуда кўп, бироқ олдимизда турган муҳим вазифалар ҳам оз эмас.

— Миллий маънавиятимизни асраш ва уни янада юксалтириш, келгуси авлодларни шу руҳда тарбиялаш барчамизнинг бурчимиздир, — дея таъкидланди конференцияда. — Бунинг учун, аввало, ўтмишдан қанчалар бой мерос қолганини чуқур англашимиз ва уни ўз фарзандларимиз онгига сингдириб боришимиз зарур. Биргина мисол, рассом ўзи чизган суратини, ёзувчи ёзган китобини асарим дейди. Юртимизнинг минг йилликлардан гувоҳлик берувчи шаҳарларида яшаб келаётган муаззам тарихий обидаларимиз ҳам аждодларимизнинг бизга қолдирган бебаҳо асарларидир. Улар миллий маънавиятимизнинг тимсоли бўлиб аждодларимиз диди қанчалик юксаклигидан далолат беради. Бу муқаддас мерос қадри ва аҳамиятини ёшларимиз чуқур билишлари керак. Айни чоғда ёшлар бугун яратилаётган ўлмас обидалар, улкан бунёдкорлик ишларининг асл моҳиятини чуқур англамаса, бу ҳаётнинг, улуғ ва олижаноб ишларнинг қадрига етмайди. Улар тўғри билим-тушунча, тарбия олишига биз масъулмиз.

Нормурод МАМАТОВ, Тошкент молия институти кафедра мудири, фалсафа фанлари доктори, профессор:

— Бугун биз глобаллашув шароитида яшаяпмиз. Жамият тараққиёти қанча тезлашса, маънавиятга эҳтиёж ҳам шунча ортади. Маънавият — гўзал ички олам, бой маърифий билим ва хуш ахлоқ, тарбия. У кундалик фаолиятимиз, юриш-туришимиз, ҳар бир дақиқамизда, ижтимоий жараёнларнинг барчасида ўзини намоён этади. У хилма-хил фикрлар, қарашлардан бойиб боради. Миллий, иқтисодий, сиёсий, ижтимоий тараққиётимизнинг асосини маънавият ташкил этади. Шундай экан, бизнинг ҳар бир хатти-ҳаракатимиз шу заминни ҳар жиҳатдан тараққий эттиришга қаратилган бўлиши керак.

Шунингдек, фалсафа фанлари номзодлари Маргарита Аҳмедбекова, Тўра Норбоев, Фуқаролик жамиятини ўрганиш институти Тошкент шаҳар филиали бош илмий ходими Рустам Саидовлар ҳам масаланинг долзарб жиҳатларига эътибор қаратдилар.

✧✧✧

Ўзбекистон ХДП Тошкент вилоят кенгаши раиси, халқ депутатлари вилоят Кенгашидаги депутатлик гуруҳи раҳбари:

— Партиямиз дастурида бизнинг маънавий соҳада амалга оширишимиз зарур бўлган энг асосий йўналишлар белгилаб берилган. ЎзХДП мафкураси миллий маънавиятимиз ва миллий ғояга таяниши уқтирилган. Демак, бизнинг бугун олиб бораётган ишларимиз ана шу талабларга жавоб бериши, жамият аъзолари, хусусан электоратимиз эҳтиёжларини қондиришга қаратилиши зарур.

Маҳмуд ТОИР, Ўзбекистон халқ шоири, халқ депутатлари Тошкент вилоят Кенгаши депутати:

— Асрлар оша мисқол-мисқол йиғилиб, аждодларимизнинг жонидан жонига, қонидан қонига ўтиб келаётган, мустақиллик йилларида том маънода ривожланаётган маънавиятимиз халқимизни бирлаштирувчи, уни бунёдкорлик, тараққиётга ундовчи қудратли куч бўлиб хизмат қилаяпти. Аммо бугун уни асраш ва янада ривожлантириш, ўсиб келаётган авлод онгига муқрлаш эҳтиёжи янада кучлироқ сезилаяпти. Биз тарихан маънавиятли, маданиятли халқмиз. Жаҳонга маънавият, маданият соҳасининг даҳолари, илм-фан асосчиларини берганмиз. Уларнинг номларини санашнинг ўзига қанча вақт керак. Шундай экан, ана шундай халқ сифатида бугун фарзандларимизни буюк аждодларимизга муносиб ворислар этиб тарбияламоғимиз керак.

Баҳодир ТОҒАЕВ, Фуқаролик жамиятини ўрганиш институтининг Тошкент вилоят филиали раҳбари:

— Олдимизда ўта масъулиятли вазифалар турибди. Юртимизда фуқаролик жамиятини барпо этаяпмиз ва унинг асосларини мустаҳкамлаяпмиз. Юксак маънавиятли авлодни тарбиялаш эса биз орзу қилаётган жамиятнинг асосий талабларидан биридир. Бусиз муродга етишнинг асло имкони йўқ. Шундай экан, бу борада ҳамкорликни кучайтириш, тарғибот ишлари билан чеккачекка ҳудудларгача кириб бориш зарур, деб ўйлайман.

Қобилбек КАРИМБЕКОВ, сиёсий шарҳловчи:

— Ўзлигимизни англаш, қадриятларимизни тиклаш, шахсни камол топтиришга қаратилган ишларимиз жуда кўп. Аммо глобаллашув жараёнида маънавиятимизга тахдид солувчи кучлар пайдо бўлди. Улардан бири миссионерлик ҳаракатидир. Унинг молиявий манбалари, мафкуравий марказлари ҳам кучли. Улар 6 миллиондан ортиқ миссионер тайёрлаган. Бир йилда 27 миллион нусхада ўз мақсадларига хизмат қиладиган турли адабиётларни 42 тилда, жумладан ўзбек тилида ҳам чоп этади. Бунга қарши курашиш, ўсиб келаётган авлодимизни турли балолардан асраш зиммамизга қандай масъулият юклаётганини тушуниш қийин эмас. Бизда қудратли қурол — маънавиятимиз бор. Фақат ундан кучли восита сифатида самарали фойдалана олишимиз керак, холос.

Дилором САЛИМОВА, Қибрай туманидаги «Байтқўрғон» қишлоқ фуқаролар йиғини хотин-қизлар кенгаши раиси, халқ депутатлари Тошкент вилоят Кенгаши депутати:

—Халқимизнинг маънавий оламида чуқур ўзгаришлар содир бўлди. Мамлакатимиз ва атрофимизда юз бераётган воқеа-ҳодисаларга юртдошларимизда дахлдорлик ҳисси, фуқаролик позицияси қучайиб боаётганининг гувоҳи бўлиб турибмиз. Албатта, бу йўналишдаги ишларимизни янада такомиллаштириш, ёшларни маънавий баркамол этиб тарбиялашда оиланинг ролини, ўз навбатида партия ташкилотлари, фаолларининг масъулиятини ошириш лозим. Ҳаётнинг ўзи шуни тақозо этмоқда.

Шунингдек, Қибрай туман ҳокими, ЎзХДП аъзоси Шокир Икромов, туман партия кенгаши раиси Ниғматилла Соатов, Тошкент вилоят ҳокимининг маънавият масалалари бўйича ёрдамчиси Раҳматилла Шералиевлар ҳам мавзу юзасидан ўз фикр-мулоҳазаларини билдирдилар

✧✧✧

Партия фаоллари ЎзХДП Чирчиқ шаҳар кенгаши ҳузуридаги ахборот-ресурс маркази фаолияти билан ҳам танишдилар. Шундан сўнг ахборот-ресурс маркази ишини такомиллаштириш, бу борада тажриба алмашишга бағишланган семинар-кенгаш ўтказилди. Унда миллий қадрият ва халқ анъаналари, бой маданий ва маънавий меросимиз, миллий истиқлол ғояларини аҳоли, хусусан партия электорати онгига сингдириш, жамиятни маънавий янгилаш жараёнларида фаол иштирок этиш, бунда ахборот-ресурс марказларининг ўрнини ошириш ҳақида фикр юритилди.

Семинарларда Олий Мажлис Қонунчилик палатаси, халқ депутатлари Тошкент шаҳар ва вилоят Кенгашлари депутатлари, партиянинг шаҳар ва туман кенгашлари, йирик бошланғич ташкилотлари етакчилари, ахборот-ресурс марказлари раҳбарлари, партия фаоллари, Фуқаролик жамиятини ўрганиш институти шаҳар ва вилоят филиаллари ходимлари, эксперт-олимлар, ёшлар ва жамоатчилик вакиллари иштирок этдилар. Анжуманларда Ўзбекистон ХДП Марказий Кенгаши раиси ўринбосари, Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутати Шарбат Абдуллаева иштирок этди ва маъруза қилди.

Беҳзод ШУКУРОВ, «Ўзбекистон овози» мухбири.

Абдивоси ҲАЙДАРОВ олган суратлар

ЎзХДП ташаббуси билан

ПАРТИЯ КЕНГАШИ ҲОМИЙЛИГИДА

Кейинги йилларда қишлоқ хўжалигига ихтисослашган туманларда фермерларга яқиндан, ҳар томонлама кўмак берувчи, деҳқончилик, боғдорчилик маданиятини юксалтириш, ҳосил унумдорлигини оширишга илмий-амалий ёрдам кўрсатувчи мутахассислар тизими яратилди. Агроном, инженер, техник ва бошқа мутахассислар мунтазам равишда фермер хўжаликларида бўлиб, экинлар ҳолати, бажарилаётган ишлар сифати билан танишадилар, керакли маслаҳатларни берадилар, қишлоқ хўжалиги зараркунандаларига қарши курашишни илмий асосда ташкил этадилар.

— Масаланинг бир нозик томони бор, — дейди ЎзХДП Бувайда туман кенгаши раиси Ҳабиба Тошматова. — Мустахассислар фермер хўжаликларига кунда-кунора боришга имкон тополмайди. Хўжаликлар ораси бир неча чақирим масофани ташкил этади. Мутахассисларнинг аксариятида эса транспорт воситаси йўқ. ЎзХДП Бувайда туман кенгаши аъзолари мана шу ҳолатни ҳисобга олиб, уларга кенгаш ҳисобидан замонавий, янги велосипедлар олиб беришга қарор қилди.

Яқинда Бувайда туман маркази — Янгиқўрғон қишлоғида 10 та қишлоқ фуқаролар йиғини ҳудудидаги хўжаликларга бириктирилган мутахассисларга янги велосипедлар топширилди.

— Бизга эътибор учун Халқ демократик партияси туман кенгаши фаолларидан миннатдормиз, — дейди велосипед билан тақдирланган Илҳомжон Ризоқулов. — Ўзим ҳам шу партия аъзосиман. Эндиликда бизнинг ишимиз анча осонлашди. Бу туманда қишлоқ хўжалиги ривожи учун қўшилган ўзига хос улушдир. Шу билан бирга, беминнат, табиийликка яқин бу «улов» инсоннинг саломатлигини мустаҳкамлашга ҳам хизмат қилади. Хитой, Япония, Корея каби қатор мамлакатларда велосипед инсон ҳаётида муҳим ўрин тутишини инобатга олсак, бу — янги бир ҳаракатнинг бошланиши, дейиш мумкин.

— Ҳақиқатан ҳам, ЎзХДП Бувайда туман кенгаши ташаббуси ибратлидир, — дейди туман ҳокими ўринбосари Мастура Зияева. — Бу партия фаоллари чин маънода юртимиз фаровонлигини ўйлаб жон куйдираётганига оддий бир мисол. Қолаверса, бу транспорт воситасининг оммалашиши фақат инсон саломатлигига замин яратиб қолмай, атроф-муҳит тозалиги, ҳаво мусаффолиги учун ҳам хизмат қилади.

Алишер ИБОДИНОВ, «Ўзбекистон овози» мухбири.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ МАРКАЗИЙ БАНКИ АХБОРОТИ

Ўзбекистон Республикаси Марказий банки 2008 йил 22 июлдан бошлаб валюта операциялари бўйича бухгалтерия ҳисоби, статистик ва бошқа ҳисоботларни юритиш, шунингдек, божхона ва бошқа мажбурий тўловлар учун хорижий валюталарнинг сўмга нисбатан қуйидаги қийматини белгилади:*

1 Австралия доллари	1281,31	1 Польша злотийси	649,07
1 Англия фунт стерлинги	2622,42	1 СДР	2148,57
1 Дания кронаси	279,76	1 Туркия лираси	1105,86
1 БАА дирхами	357,88	1 Швейцария франки	1287,39
1 АҚШ доллари	1314,43	1 ЕВРО	2086,00
1 Миср фунти	248,40	10 Жанубий Корея вони	12,94
1 Исландия кронаси	16,70	10 Япония иенаси	123,14
1 Канада доллари	1307,11	1 Россия рубли	56,67
1 Хитой юани	192,51	1 Украина гривнаси	271,56
1 Малайзия рингити	406,32		

* Валюта қийматини белгилаш чоғида Ўзбекистон Республикаси Марказий банки мазкур валюталарни ушбу қийматда сотиш ёки сотиб олиш мажбуриятини олмаган.

Бандлик дастури — амалда

КИЧИК КОРХОНА ИШГА ТУШДИ

натижада 120 киши иш билан таъминланди, шунча оила доимий даромад манбаига эга бўлди

Жиззах шаҳрида тадбиркор Акром Раҳмонқуловни ғайратшижоатли, ўтли-шудли инсон сифатида кўпчилик яхши танийди. Яқинда у банкдан кредит олиб, «Камол» хусусий кичик корхонасини ташкил этди. Қурилиш материаллари ишлаб чиқаришга ихтисослаштирилган мазкур корхонада бугун 120 нафар ишчи-хизматчи, инженер-техник ходим ишлаяпти.

— Бир неча ойдан бери мутахассислигим бўйича иш изламоқдаман, — дейди Дилшод Мамараҳимов. — Хонадонимизга яқин жойда ушбу корхонанинг иш бошлагани айни муддао бўлди. Темирбетон маҳсулотлари цехига оператор бўлиб ишга ўтдим. Шароитимиз яхши, ишлаб чиқараётган маҳсулотларимизга талаб катта, харидор кўп. Шунга яраша иш ҳақимиз ҳам ёмон эмас. Масалан, ўзим ҳар ойда ўрта ҳисобда 230-250 минг сўм атрофида маош олаяпман. Даромадга яраша буромад, деганларидай рўзғоримга ҳам барака кираяпти.

Ғишт ишлаб чиқариш цехи ишчиси Ҳасанбой Аҳмедов ҳам ишли бўлиб, доимий даромад топаётганидан мамнун.

— Оиламиз каттагина, болаларим ҳали ёш, — дейди у. — Янги очилган корхонага ишга кириб, хато қилмаган эканман. Қанча яхши ишласак, сифатли, харидоргир маҳсулот ишлаб чиқарсак, шунча кўп иш ҳақи олаяпмиз. Рўзғоримиз ҳам кун сайин тўкин, файзли бўлиб бораяпти.

Бу ҳали битта мисол. Аслида шаҳарда Бандлик дастурини бажариш, корхона ва ташкилотлардаги бўш иш ўринларини тўлдириш, ишсиз фуқароларни ижтимоий муҳофаза қилиш, хусусий корхоналар ташкил этиш борасида дурустгина тажриба тўпланмоқда.

— Ўтган ярим йилликда уч марта бўш иш ўринлари ярмаркаси ўтказилди, — дейди шаҳар Бандликка кўмаклашиш маркази директори Зафар Соатов. — Уларда шаҳримиздаги 84 та корхона, ташкилот ва муассасалар ўзларида мавжуд 403 та бўш иш ўринлари билан қатнашдилар. Шу билан бирга, ижтимоий ҳимояга муҳтож, иш топишда қийналадиган ва меҳнат бозорида тенг шароитларда рақобатлашишга қодир бўлмаган фуқаролар учун 103 та иш ўрни таклиф этилди. Ярмаркаларда аҳолининг турли қатламларига мансуб жами 465 нафар фуқаро иштирок этди ва шулардан 374 нафари ўзларига мақбул ҳолатда меҳнат шартномалари тузиш имконига эга бўлдилар...

Йил бошидан бери шаҳарда иш бошлаган кичик корхона ҳамда микрофирмалар ҳисобига 625 та янги иш ўринлари яратилди. Ҳуқуқий мақомга эга бўлмаган тадбиркорлик бўйича 243 та, уй шароитида касаначиликни йўлга қўйиш эвазига 330 та қўшимча иш жойлари очилди. Булар ўз навбатида, шубҳасиз, одамларни иш билан таъминлаш, аҳолининг турмуш даражасини яхшилашга хизмат қилаётир.

Яна бир гап. Шаҳар Бандликка кўмаклашиш маркази ҳамда ЎзХДП шаҳар кенгаши қошидаги Жамоатчилик қабулхонасига олти ой ичида иш ва ёрдам сўраб мурожаат қилган 313 нафар фуқаронинг 174 нафари ҳар хил ҳақ тўланадиган жамоат ишларига жалб этилди, 42 нафари касб мутахассислиги бўлмаганлиги сабабли касб-ҳунар ўрганиш курсларига юборилди, 87 нафарига ишсизлик нафақаси тайинланди.

— Партиянинг Жамоатчилик қабулхонасига кўмак сўраб мурожаат қилган эдим, — дейди «Қассоблик» маҳалласида истиқомат қилувси фуқаро Ўктам Шукуров. — Уларнинг аралашувидан сўнг менга ишсизлик нафақаси тайинланди. Бу — назаримда бугунгидай бозор иқтисодиёти шароитида аҳолининг ёрдамга муҳтож қатламини ижтимоий ҳимоялашнинг бир кўриниши...

Яна Акром Раҳмонқулов ва у очган кичик корхонага қайтсак.

— Ҳозирча корхонада 120 киши фаолият кўрсатаяпти, — дейди у. — Насиб этса, йил охиригача уни кенгайтириб, каттагина ишлаб чиқариш корхонасига айлантириш ниятимиз бор. Шунда бизда ҳаммаси бўлиб 940 нафар киши ишлайди...

Иброҳим ЖОНУЗОҚОВ, «Ўзбекистон овози» мухбири.

Маҳсулот — ўзимизники, Ўзбекистонники!

ЭКСПОРТ МИҚДОРИ ОШДИ

Мустақиллик шарофати билан ташкил этилган Ўзбекистон — Германия «Дойче кабель АГ Ташкент» қўшма корхонаси маҳсулотлари фақат мамлакатимиздагина эмас, балки қатор хорижий давлатларда ҳам машҳур бўлиб бораётир. Экспорт қилинаётган кабеллар сифатлилиги боис харидоргир.

Ўзбекистонда хорижий шериклар ва сармоядорлар учун яратиб берилаётган имтиёз ва ҳуқуқий кафолатлар туфайли маҳаллий саноатчилар билан ҳамкорлик қилаётган ишбилармонлар сафи кенгайиб бораётир. Ўзбекистонлик ва германиялик тадбиркорлар ҳам яхши ният билан «Дойче кабел АГ Ташкент» акциядорлик жамиятини ташкил этишган.

Корхона 1999 йилда телефон кабеллари, компьютерлар ва электр тармоқлари учун юқори частотали кабеллар ишлаб чиқаришга киришганди. Эндиликда «Made in Uzbekistan» деб тамға қўйилган маҳсулотлар жаҳон бозорида қадр топмоқда.

Қўшма корхона йилига 3,5 миллиард сўмлик кабель маҳсулоти ишлаб чиқармоқда. Бундан ташқари, бу ерда тайёрланаётган ўтказгич симларнинг ҳар хил турлари ҳам хорижий харидорларга манзур бўлаётир. Маҳсулотнинг асосий қисми Афғонистон, Тожикистон, Грузия ва бошқа мамлакатларга жўнатилмоқда.

Маҳсулотлар тегишли сертификатга эга ва халқаро ISO 2001 стандартига мос келади. Шу боис корхона жамоаси маҳсулот ишлаб чиқаришни янада кўпайтирмоқчи.





Суратларда: корхона фаолиятидан лавҳалар.

Козим ЎЛМАСОВ олган суратлар

Иқтисод ва ислоҳот

АСОСИЙ МАҚСАД — МИЖОЗ МАНФААТИ!

Республика акциядорлик тижорат «Асака банк» Навоий вилоят филиали жамоаси шу мақсадда меҳнат қилмоқда

Йил сайин иқтисодий жиҳатдан юксалиб бораётган Давлат акциядорлик тижорат «Асака банк»нинг Навоий вилоят филиали 1996 йилнинг июнь ойида рўйхатдан ўтиб, ўз ишини мақомини олган эди. Хўш, шу йиллар ичида ушбу ҳудудий банк қай тарзда ривожланди? Мижозларининг сони ва сифат ўзгариши бугун қай даражада?

— Республикамизнинг бошқа турдош банкларида бўлгани каби бизнинг банкда ҳам мижоз тушунчаси, унинг хоҳиш-истаги биринчи ўринда туради, — дейди **филиал бошқарувчиси Ўктам ЖУМАЕВ.** — Чунки, бизнинг шиоримиз: «Мақсад — мижоз манфаати!». Банкимизга муттасил мурожаат этувчилар сони нечоғли кўпайса, ишимиз ҳам шу тариқа ривож топади, капитал ва кредит қўйилмалари кўлами ортади ва сифат жиҳатдан яхшиланади.

— Рақамларга эътибор қилинг, — деб давом этди у. — Банкимиз тўқсонинчи йиллар ўрталарида жами 30 нафар мижоз билан иш бошлаган бўлса, ҳозир улар сони 892 нафарга етди. Кейинги бир ярим йил ичида 300 нафарга кўпайди. Бу — субъектларга кўрсатилаётган намунали банк хизмати самараси, албатта. Биргина Ёшлар йилининг ўтган даврида филиал кредит қўйилмаси 250 миллион сўмга ортиб, жами капитал қўйилмаси — активлари 10 миллиард 617 миллион 298 минг сўмдан ошиб кетди. Йил охирига қадар бу кўрсаткич яна 150 миллион сўмга ўсиши кутилмоқда.

— Банк номининг мазмунмоҳиятидан кўриниб турибдики, у Андижондаги «Асака» автомобиль заводи билан яқин ҳамкорликка эга. Банк жамоаси «Асака автомобиллари — ҳар бир хонадонга» шиори остида вилоятдаги «Навоий Лада», «Навоий Автосавдо», «Навоий Автотеххизмат» сингари ўнлаб корхона ҳамда ташкилотлар билан яқин алоқа ўрнатган.

— Ўтган 2007 йилда банк кўмагида аҳолига мингдан зиёд «Нексия», «Матиз», «Дамас» русумли енгил автомашиналар келтириб берган бўлса, амалдаги йилда 1200 дан зиёд у ёки бу русумли ихчам, замонавий Асака енгил автомобилларини келтиришни ният қилганмиз, — суҳбатга қўшилди **Навоий «Автотеххизмат» акционерлик жамияти раиси Илҳом Темиров.** — Йил бошидан буён ҳозиргача 550 дан зиёд енгил автомобиль келтирдик.

— Гап фақат енгил автомашина хариди устида кетмаяпти, — унинг сўзини қувватлайди **«Навоий Лада» ҳиссадорлик жамияти раиси Худоёр Мардонов.** — Биз банк кредитлари эвазига наинки автомобиллар, балки ёнилғи-мойлаш маҳсулотлари ҳамда зарур эҳтиёт қисмлар ҳам келтиришни йўлга қўйдик. Ҳозир биргина Асакадан эмас, Россиянинг Тольятти, Ярославль шаҳарларидан ҳам эҳтиёт қисмлар келтиришни уддалаяпмиз...

Дарвоқе, филиал жамоаси амалдаги йилда аҳолига 13 миллиард сўмлик енгил автомобиллар, 4 миллиард сўмликдан зиёд эҳтиёт қисм ва мойлаш маҳсулотлари келтириб беришмоқчи. Шунингдек, улар Самарқанд автомобиль заводидан ҳам «IZUZU» русумли микроавтобуслар харид қилишни йўлга қўйишди. Бу ўринда лизинг асосидаги кредитлар ниҳоятда қўл келаяпти. Жорий йилнинг ўтган 5 ойида ўнлаб ихчам автобуслар навоийликлар хизматига берилди.

Вилоят пахтачилиги ва ғаллачилигидаги иқтисодий юксалишларда ҳам бошқа банклар каби «Асака банк» Навоий филиали жамоасининг катта хизмати бор. Ҳозир банкда тўққиз юз нафар у ёки бу тоифадаги мижоз бўлса, бунинг тенг ярми деҳқон-фермер хўжаликларидир. Карманалик Абдурауф Маманов 34 гектарли «Ваҳобжон Мам» фермер хўжалиги раҳбари. Ҳам ғалла, ҳам пахта етиштиради. У 2007 йилда банкдан 10 миллион сўм кредит олиб, трактор-тележка харид қилган бўлса, амалдаги йилда яна 2 миллион 745 минг сўмлик узоқ муддатли кредит ҳисобига қўшимча эҳтиёт қисмлар ва ёнилғи мойлаш маҳсулотлари сотиб олди. Қарабсизки, энди у техника ёки қўшимча машина-механизм ёхуд ёнилғи сўраб бировга мурожаат қилмайди.

Ёхуд навбаҳорлик Комил Бўронов ҳам яқин-яқинларда бирор ишнинг бошини тутолмай, кўп овора бўлган. Ҳозир эса малакали фермер, 25 гектар унумдор ери бор. «Мужассам» деган исми-жисмига мос хўжалик раҳбари. У ҳам «Асака банк»дан олган узоқ муддатли кредит эвазига йил сайин ғалла-ю пахтадан ҳавас қилса арзигулик ҳосил кўтармоқда. Амалдаги йилда қарийб 50 тонна ғалла, 40 тонна пахта етиштириб, банкдан олган кредитини тўла қоплаб улгуришни ният қилган. Яқинда «Класс-доминатор 130» русумли комбайн олди. Худди шундай хатирчилик Бахтиёр Раҳмонов ҳам банкдан кредит олиб, «Ассалом» фермасини тузди. Ҳозир унинг 5,5 мингта паррандаси бўлиб, истеъмолчиларга ҳар куни 3,5-4 минг дона тухум етказиб бераяпти.

Қизилтепалик Анвар Ражабов, хатирчилик Мақсуд Назаров, Камол Эргашев, навбаҳорлик Нозигул Шодиева... Ёхуд Қизилтепадаги «Комил парранда» товуқчилик фермаси (раҳбари Улуғбек Комилов), Навоийдаги шахсий савдо дўкони (мудири Ботир Ражабов), Навбаҳордаги маиший хизмати уйи (бошлиғи Дилфуза Бозорова) фаолиятлари ҳақида ҳам ана шундай ибратли сўзлар айтиш мумкин. Бунда эса, ҳеч шубҳасиз вилоят «Асака банк»ининг муносиб улуши бор.

Вазирлар Маҳкамасининг 2004 йил 24 сентябрдаги қарорига кўра пластик карточкалар тизими мазкур филиалда намунали йўлга қўйилган. Айни кезда «электрон ҳамён» саналган пластик карточка банкка уюшган 20 минг кишига қатъий ҳисоб-китоб асосида тарқатилди.

— «Пластик карточка» дегани чўнтакка ёрдам экан, кўп пулни ўзинг билан олиб юрмайсан, — дейди мамнунлик билан **навоийлик Ўлмасой Жаҳонова.** — У туфайли ўзимга тегишли сармояни вақтида олиб турибман.

— Жаҳон андозаси ва тажрибаси бизгача етиб келганидан жуда хурсандман, — гапга қўшилди яна бир пластик карточка эгаси **Одил Хўжамуродов.** — Ҳозир менинг ҳам ишончли молиявий манбаим бор, маблағим ишончли терминалда...

Шу ўринда филиалнинг аҳоли қўлидаги бўш пул маблағларини ўзига жалб этувчи: «Олтин куз», «Умид», «Табассум», «Шодлик», «Меҳнат», «Бахтиёр ёшлик», «Қалдирғоч», «Соғлом келажак», «Фортуна», «Люкс» каби йигирмага яқин омонат турларидан келаётган (аҳолига ҳам, банкка ҳам) самарани алоҳида таъкидлаб ўтмоқ жоиз. Айни кезда банк ходимларидан Азиза Ниёзова, Хуршид Шабонов, Носир Кубаев, Васлиддин Неъматов, Гулруҳ Тўхтаева, Усмон Давлатов, Саида Раупова, Баҳодир Мўминов каби ўз ишининг фидойилари хизматини ҳам эътироф этмоқ жоиз.

Хуллас, бошқа тижорат банкларида бўлгани каби «Асака банк»да ҳам йил сайин ривожланиш кўзга ташланаяпти. Айниқса, филиалнинг Зарафшон шаҳар бўлими, Кармана ҳамда Навоий шаҳридаги мини банклари фаолиятидан аҳоли мамнун.

Музаффар ШАРОПОВ,
«Ўзбекистон овози» мухбири.

ЙЎЛЛАРИМИЗ РАВОН БЎЛСИН

Тоҳир НОРҚУЛОВ (ЎзА) олган суратлар.

Мамлакатимиз Мустақиллигининг 17 йиллигини муносиб кутиб олиш учун юртимизда улкан бунёдкорлик ишлари амалга оширилмоқда. Хусусан, носос автойўлларни таъмирлаш, қайта қуриш, йўл ўртаси ва четидаги бетон тўсиқларни тартибга солиш чора-тадбирлари кўрилаётир.

Самарқанд туманида ҳам бу борада катта ишлар амалга оширилаётир. Хусусан, туман йўл хўжалик, пудрат, таъмирлаш, фойдаланиш давлат корхонаси томонидан Самарқанд — Жума, Самарқанд — Қарши автойўлида бажарилаётган таъмирлаш ишлари таҳсинга лойиқ. Айни пайтда бу ерда қатнов йўлаклари, йўл ўртасидаги тўсиқлар тартибга солиниб, асфальт ётқизилмоқда.

— Йўлсозларимиз томонидан ярим йил ичида Самарқанд шаҳридаги Фитрат, Жомий, Бобур, Охунбобоев кўчалари, Кўксарой майдони ва Гўри Амир мақбараси атрофида таъмирлаш ишлари уддаланди, — дейди мазкур корхона раҳбари Шаҳоб Исомиддинов. — Ўтган йили қўлга киритилган халқаро грант эвазига 16 та янги техника сотиб олинди. Бунинг натижасида меҳнат самарадорлиги ошди. Иш юритувчи Маматқул Амриддинов, йўл устаси Улуғбек Муҳаммадиев, автогредер бошқарувчиси Салим Мухторов, асфальт ётқизувчи механизм бошқарувчиси Отабек Бойқулов, асфальт текисловчи Рустам Маҳмудов, Маҳмуд Фармонов ва Ўрол Султонов каби ишчилар ҳамкасбларига ўрнак бўлмоқда.

Суратларда: *Самарқанд тумани йўл хўжалик, пудрат, таъмирлаш, фойдаланиш давлат корхонаси иш юритувчиси Маматқул Амриддинов ва ишчи Маҳмуд Фармонов; йўл қурилишидан лавҳа.*

Газ улгуржи истеъмолчилари ва газ сотувчи ташкилотлар диққатига!

«Крокус Газ Сервис» ҚК

«Сигнал» ва «Газдевайс» ЁАЖ компаниялари гуруҳининг Ўзбекистон ҳудудидаги расмий вакили қуйидагиларни таклиф этади:

ЭЛЕКТРОН БЛОКЛИ (БК) МУВОФИҚЛАШТИРАДИГАН ТУРБИНАЛИ САНОАТ ГАЗ ЎЛЧАГИЧЛАРИ (СТГ).

Мазкур асбоблар газни ҳисобга олиш бўйича замонавий ўлчаш-ҳисоблаш комплекслари бўлиб, немис технологияси бўйича Россияда ишлаб чиқарилган.

Ўлчаш диапазонлари: соатига 100 м³, 250 м³, 400 м³, 650 м³, 1000 м³, 1600 м³ гача ва ундан ортиқ.

Етказиб бериш, тўлиқ монтаж қилиш, кафолатли сервис хизмати кўрсатиш — йил давомида.

Асбоблар «Ўзстандарт» агентлигининг сертификатига эга.

Россияда ишлаб чиқарилган

«АГАТ» РУСУМЛИ, УЛЬТРАТОВУШЛИ, ЎЛЧАНАЁТГАН ГАЗ ҲАРОРАТИНИ АВТОМАТИК РАВИШДА ТЎҒРИЛАЙДИГАН

замонавий электрон газ ўлчагичлари.

Ўлчаш диапазонлари:
- «АГАТ» G-16 (соатига 0,16 м³ дан 25 м³ гача);
- «АГАТ» G-25 (соатига 0,25 м³ дан 40 м³ гача);
- «УБСГ» 001 G-4 (соатига 0,04 м³ дан 6 м³ гача).
- «УБСГ» 001 G-6 (соатига 0,06 м³ дан 10 м³ гача).
- «УБСГ» 001 G-10 (соатига 0,1 м³ дан 16 м³ гача).

Кафолатли сервис хизмати кўрсатиш — йил давомида.

Асбоблар «Ўзстандарт» агентлигининг сертификатига эга.

Сервис маркази манзили: Тошкент шаҳри, Миробод тумани, «Моштабиб» кўчаси, 7-уй. Мўлжал — Тошкент вино заводи.
Тел./факс: 232-21-22, 236-39-63, 127-10-28, 127-07-72.

ХОРИЖДА

ЭРОН ОГОҲЛАНТИРИЛДИ

АҚШ давлат котиби Кондолиза Райснинг айтишича, ўтган музокаралар шуни кўрсатдики, ядро дастури масаласига Эрон жиддий ёндашмаяпти.

Рейтернинг хабар беришича, котиб Эронни бесамар музокара олиб боришда айблаган. Шунингдек, Эрон икки ҳафта ичида «олтилик» қўйган талабларни бажармаса, унга нисбатан янги санкциялар қўлланилишини маълум қилган.

Аввалроқ Европа Иттифоқининг ташқи сиёсат ва хавфсизлик бўйича вакили Хавьер Солана Эрон Олий кенгаши котиби Саид Жалилий билан Женевадаги мулоқотдан сўнг Эрон томони ядро дастури бўйича аниқ жавоб бермаганини айтган эди. Эслатиб ўтамиз, «олтилик» қатор иқтисодий имтиёзлар ва ҳамкорлик дастурлари эвазига Эрондан ядро дастурини тўхтатишни талаб қилмоқда.

СЕРБИЯ ЭЛЧИЛАРНИ ҚАЙТАРАДИ

Сербия ташқи ишлар вазирлиги Косово озодлигини тан олган давлатлардан чақириб олинган элчиларини яна ўз жойига қайтаришни ҳукуматга таклиф қилмоқчи, деб ёзади РИА Новости.

Буни Сербия ташқи ишлар вазири Вук Еремич якшанба куни бўлиб ўтган матбуот анжуманида маълум қилди.

2008 йил 17 февралида Косово Сербиядан мустақил бўлиб ажралиб чиқди. Ҳозиргача Косовонинг янги мақомини БМТга аъзо 43 та давлат расман тан олди. Бироқ, Россия, Хитой, Ҳиндистон, Испания, Бразилия, Греция каби давлатлар Косова мустақиллигини тан олган эмас. Сербия Косово озодлигини тан олган АҚШ, Франция, Италия, Хорватия, Венгрия, Германия, Чехия, Бельгия, Перу, Австрия, Австралия, Канада каби қатор давлатлардан ўз элчиларини «маслаҳат учун» деб чақириб олган эди.



Мулкчилик шаклидан қатъи назар, барча қурилиш ташкилотлари ва корхоналари раҳбарлари диққатига!

НОРИН – СИРДАРЁ ИРРИГАЦИЯ ТИЗИМЛАРИ ҲАВЗА БОШҚАРМАСИ ГИДРОГЕОЛОГИЯ МЕЛИОРАТИВ ЭКСПЕДИЦИЯСИ

қуйидаги иншоотларга пудратчи ташкилотларни танлаш бўйича очиқ танлов савдосини

ЭЪЛОН ҚИЛАДИ:

№	Иншоот номи	Бошланғич нархи ҚҚСсиз (сўм)	Қурилишни якунлаш муддати (кун)
1.	*Лот 6.1.* Наманган вилояти, Мингбулоқ туманидаги «Аччиқкўл» зовур системасини таъмирлаш ва тиклаш (3-босқич)	79 950 558	110 кун
2.	*Лот 6.2.* Наманган вилояти, Норин туманидаги «Қорадарё» хўжаликлараро зовур системасини таъмирлаш ва тиклаш (3-босқич)	74 237 468	70 кун
3.	*Лот 6.3.* Наманган вилояти, Норин туманидаги «Қуйи ЛТ» хўжаликлараро зовур системасини таъмирлаш ва тиклаш	101 413 800	90 кун
4.	*Лот 6.4.* Наманган вилояти, Уйчи туманидаги «Нориндарё» хўжаликлараро зовур системасини таъмирлаш ва тиклаш	131 431 146	120 кун

Буюртмачи: Наманган шаҳри, Охунбобоев кўчаси, 68-уйда жойлашган Норин-Сирдарё ирригация тизимлари ҳавза бошқармаси Гидрогеология мелиоратив экспедицияси.
Телефон: (8-369) 226-38-34, 226-78-53.

Қурилиш ишлари Молия вазирлиги қошидаги суғориладиган ерларнинг мелиоратив ҳолатини яхшилаш жамғармасидан ажратилган маблағ ҳисобидан амалга оширилади.

Танлов савдоларида қатнашиш учун талабгорлар қуйидаги шартларга: танлов савдо предметининг 20 фоиз миқдоридаги айланма маблағларнинг ёки кўрсатиб ўтилган маблағларни беришга банк кафолатномасига, ишлар (хизматлар)ни бажариш учун зарур бўлган меҳнат ресурсларига ва мутахассисларнинг мавжудлигига, етарли касбий ва техникавий малака, молиявий имкониятларга, шартнома тузиш юзасидан фуқаролик-муомала, ҳуқуқий лаёқат ва ваколатларга эга, тажрибали ва ишончли бўлишлари шарт.

Савдода қатнашиш ва танлов ҳужжатларига эга бўлиш учун сўровнома билан савдо ташкилотчиси — қурилишда танлов савдоларини ва нархларни шакллантириш Наманган вилоят ҳудудий консалтинг марказига қуйидаги манзил бўйича: **Наманган шаҳри, А.Навоий кўчаси, 36-уй (Матбуот уйи, 4-қават),** иш кунлари соат 10.00 дан 16.00 гача мурожаат қилишлари мумкин.
Телефон/факс: (8-369) 226-14-50, 226-47-91.

Танлов ҳужжатлари бир тўпламининг нархи — 60 000 сўм.

Таклифлар (оферталар)ни савдо ташкилотчисига тақдим этишнинг охирги муддати — оферталар очилиш куни ва соати.

Таклифлар очилиши матбуотда эълон чоп этилгандан бошлаб ўн беш кундан кейин қуйидаги манзилда ўтказилади: **Наманган шаҳри, А.Навоий кўчаси, 36-уй.**

Мулкчилик шаклидан қатъи назар, барча қурилиш ташкилотлари ва корхоналари раҳбарлари диққатига!

НАМАНГАН ВИЛОЯТ ҲОКИМЛИГИНИНГ ЯГОНА БУЮРТМАЧИ ИНЖИНИРИНГ КОМПАНИЯСИ

қуйидаги иншоотларга пудратчи ташкилотларни танлаш бўйича очиқ танлов савдосини

ЭЪЛОН ҚИЛАДИ:

№	Иншоот номи	Бошланғич нархи ҚҚС билан (сўм)	Қурилишни якунлаш муддати (кун)
1	*Лот 1.1.* Наманган вилояти, Косонсой шаҳар, Охунбобоев кўчасидаги 25х15 м. ўлчамли сузиш ҳавзасини (бассейн) мукаммал қайта қуриш	82 517 000	2008 йил 20 ноябрь
2	*Лот 1.2.* Наманган вилояти, Наманган шаҳридаги 15-сонли футбол интернатнинг 25х12 м. ўлчамли сузиш ҳавзасини (бассейн) мукаммал қайта қуриш	80 868 475	2008 йил 20 ноябрь
3	*Лот 1.3.* Наманган вилояти, Учқўрғон шаҳридаги иқтисодиёт йўналишидаги касб-ҳунар коллежининг сузиш ҳавзасини (бассейн) мукаммал таъмирлаш	198 120 976	2008 йил 20 ноябрь
4	*Лот 1.4.* Наманган вилояти, Поп тумани, Ғурумсарой қишлоғидаги қишлоқ хўжалиги йўналишидаги касб-ҳунар коллежининг сузиш ҳавзасини (бассейн) мукаммал таъмирлаш	63 777 188	2008 йил 20 ноябрь

Буюртмачи: Наманган шаҳри, А.Темур кўчаси, 105-уйда жойлашган Наманган вилоят ҳокимлигининг Ягона буюртмачи инжиниринг компанияси.
Телефон: (8-369) 226-22-60, 233-77-06

Қурилиш ишларини молиялаштириш давлат маблағи ҳисобидан амалга оширилади.

Танлов савдоларида қатнашиш учун талабгорлар қуйидаги шартларга: танлов савдо предметининг 20 фоиз миқдоридаги айланма маблағларнинг ёки кўрсатиб ўтилган маблағларни беришга банк кафолатномасига, ишлар (хизматлар)ни бажариш учун зарур бўлган меҳнат ресурсларига ва мутахассисларнинг мавжудлигига, етарли касбий ва техникавий малака, молиявий имкониятларга, шартнома тузиш юзасидан фуқаролик-муомала, ҳуқуқий лаёқат ва ваколатларга эга, тажрибали ва ишончли бўлишлари шарт.

Савдода қатнашиш ва танлов ҳужжатларига эга бўлиш учун сўровнома билан савдо ташкилотчиси — қурилишда танлов савдоларини ва нархларни шакллантириш Наманган вилоят ҳудудий консалтинг марказига қуйидаги манзил бўйича: ***Наманган шаҳри, А.Навоий кўчаси, 36-уй (Матбуот уйи, 4-қават),*** иш кунлари соат 10.00 дан 16.00 гача мурожаат қилишлари мумкин.
Телефон/факс: (8-369) 226-14-50, 226-47-91.

Танлов ҳужжатлари бир тўпламининг нархи — 60000 сўм.

Таклифлар (оферталар) савдо ташкилотчиси томонидан юқоридаги манзилда қабул қилинади.

Таклифлар (оферталар)ни савдо ташкилотчисига тақдим этишнинг охирги муддати — оферталар очилиш куни ва соати.

Таклифлар очилиши матбуотда эълон чоп этилгандан бошлаб ўттиз кундан кейин қуйидаги манзилда ўтказилади:
Наманган шаҳри, А.Навоий кўчаси, 36-уй.

Кўнгил мулки

МЕНИНГ ЙИГИТ ВАҚТИМ, СЕНИНГ ҚИЗ ВАҚТИНГ

Ибройим ЮСУПОВ,
Ўзбекистон Қаҳрамони,
Ўзбекистон ва Қорақалпоғистон халқ шоири

ТошДУ десам, дарҳол тушади эсга
Менинг йигит вақтим, сенинг қиз вақтинг...
Тўғри самолётдан тушдим-да кечда
Ётоқхонангизнинг эшигин қоқдим.

Нукусдалигингда сен мени кунда,
Ҳатто соат сайин соғинар эдинг.
Ушбу дамда мени кўриб Тошкентда,
Зўрға мийиқ тортиб «сенмисан» дединг.

Гулшанда очилган бир атиргулдай
Чиройингга чирой қўшган экансен.
Қувончимни қандай айтишим билмай,
Ютиниб, термулиб қарайвердим мен...

Қўлтиқлашиб кетдик катта йўл бўйлаб,
Жим бораётирмиз. Кулиб қўясан.
«Жоним, айт, хаёлга толдинг не ўйлаб?
Эртан учрашармиз қаерда, қачон?»

«Эртан қўлим тегмас... Имтиҳоним бор...»
Дединг менга айёр сузиб кўзингни.

Навоий театри халқ билан қайнар,
Одамлар ичига урдинг ўзингни.

Зар куйлак нур сочиб ёнар устингда,
Ногаҳон: «Кечиргин, тобим йўқ...» дединг.
Сўнг мармар зинадан тезда тушдинг-да,
Кетдинг... Мен сен учун бегона эдим.

Сўнгги «Казбек»имни олиб тутатиб,
Узоқ тентирадим Анҳор бўйинда.
Мажнунтол шохлари сувларга ботиб,
Сенинг сочларингни солар ўйимга...

ТошДУ десам, мудом тушади эсга
Менинг йигит вақтим, сенинг қиз вақтинг.
Сенга энди қайтиб халал бермасга
Бел боғлаб, жонимни ўтларда ёқдим.

«Кел» деб чақиради очиқ ойналар,
Боғлар «Кел, йигитим, қайғурма» деяр.
Юрагимни тирнаб йиғлар «Тановар»,
Япроқларни тинтиб шамоллар куяр.

Мен ҳар гал борганда энди Тошкентга
Сенга учрашмасга тиришар эдим.
Бир куни тўсатдан мени кўрдинг-да,
«Ростдан ҳам сенмисан, сенмисан?»
— дединг.

Айни тонг чоғида очилган гулдай
Қиз бўлиб чиройга тўлган экансан.
Ҳинд қўлига тушган асранди филдай
Унсиз етагингга юравердим мен.

Товусдай товланган ўзбек қизлари
Ҳурмат билан менга бўлди гиргиттон.
Эски дўстларимдай кулишиб бари
Чой қуйиб, ёзишди ажиб дастурхон.

ТошДУ — илм боғи, ёшлар дўстлиги,
Қанча кўнгилларга нур берар ёғдунг!
ТошДУ — минг-минг йигит-қизлар ёшлиги,
Менинг йигит вақтим, сенинг қиз вақтинг.

Қорақалпоқ тилидан
Рустам МУСУРМОН таржимаси.

Тошкентнинг 2200 йиллиги олдидан

ҚАДИМИЙ ОБИДАЛАР ОБОД БЎЛДИ



Шу кунларда қадимий ва навқирон Тошкентнинг 2200 йиллигига қизғин тайёргарлик кўрилмоқда. Мозийдан илм-фан ва маданиятнинг йирик маркази, тинчлик ва дўстлик рамзи бўлиб келаётган пойтахтимизнинг қутлуғ тўйини юксак нуфузи ва мавқеига муносиб равишда нишонлаш, унинг дунё миқёсидаги обрў-эътиборини янада ошириш, халқимиз, айниқса ёшларимиз қалбида Ватанга муҳаббат ҳамда садоқат туйғусини янада кучайтириш йўлида кўпгина эзгу ишлар амалга оширилаётир. Тошкент шаҳридаги тарихий обидалар, ёдгорлик ва қадамжоларни таъмирлаш, ободонлаштириш, янги замонавий объектлар қуриш, шаҳарнинг ижтимоий инфратузилмасини ривожлантиришга доир кўплаб ишлар бажариляпти.

Мустақиллик йилларида Президентимиз Ислом Каримов раҳнамолигида миллий ва тарихий қадриятларни тиклаш, жумладан, ислом маданияти ёдгорликларини таъмирлаш, азиз авлиёларимиз қадамжоларини обод қилиш борасида оламшумул ишлар амалга оширилди. Баҳоуддин Нақшбанд, Имом Бухорий, Ҳаким Термизий, Хўжа Аҳрор Валий каби табаррук сиймоларнинг мажмуалари шулар жумласидандир.

Бу борада пойтахтимиз Тошкент шаҳрида ҳам улкан бунёдкорлик ишлари олиб борилди. Хусусан, мусулмон оламида катта обрў-эътибор қозонган Ҳазрати Имом (Ҳастимом) меъморий мажмуасининг тарихимиз, маънавий ҳаётимиздаги ўрни ва аҳамиятини инобатга олиб ҳамда унинг асл тарихий қиёфасини тиклаш мақсадида бу ерда кенг кўламли ободонлаштириш ишлари бажарилди. Бу қутлуғ даргоҳ диёримизда муқаддас ислом дини фалсафасини, унинг инсонпарварлик ғояларини кенг ёйишда йирик илмий-маърифий марказ бўлиб хизмат қилаётир.

Нуфузли халқаро ташкилот бўлган Ислом конференцияси ташкилотининг Таълим, фан ва маданият масалалари бўйича тузилмаси — АЙСЕСКО томонидан ўтган йили Тошкентни Ислом маданияти пойтахти деб эълон қилингани ҳам юртимиз ислом дини ва маданияти ривожига қўшаётган юксак ҳиссасининг ўзига хос эътирофидир.

Пойтахтимиздаги яна бир обида — «Кўкалдош» мадрасаси мажмуи ҳам Мустақиллик йилларида тўла таъмирланди. Эндиликда бу мажмуа ҳам ҳақиқий ислом маданияти марказларидан бирига айланиб қолди.

Суратларда: *Тошкентдаги «Кўкалдош» мадрасаси мажмуининг кўринишларидан лавҳалар.*

Р.ШАГАЕВ (ЎзА) олган суратлар.



Спорт

«O'ZBEKISTON FUTBOLI» ГАЗЕТАСИ

чоп этила бошланганига кеча роппа-роса ўн беш йил тўлди

Бугунги кунда мамлакатимизда спортга, жумладан, футболга ихтисослашган матбуот нашрлари талайгина. Улар орасида «O'zbekiston futboli» газетаси ўз ўрни ва мавқеига эга.

Энг оммавий спорт тури саналган футбол бошқа жойлардаги каби юртимизда ҳам севиб, ардоқланади. Вақт ўтгани сайин унинг оммавийлиги, нуфузи, жозибаси, сеҳри, куч-қудрати тобора ошиб бормоқда. Бугун футбол нафақат спорт ўйини, балки, санъат даражасига кўтарилди, миллатни бирлаштирувчи куч, соғлом авлодни тарбиялайдиган, ёшларда ватанпарварлик туйғуларини кучайтирадиган бебаҳо воситага айланди.

Мамлакатимиз мустақиллигининг дастлабки кунлариданоқ Президентимиз ташаббуси билан футболни ривожлантиришга алоҳида эътибор берила бошланди. 1993 йил март ойида Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг «Ўзбекистонда футболни янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарори эълон қилинди. Бугун футбол ишқибозларининг севимли нашрига айланган «O'zbekiston futboli» газетасининг илк сони айнан ўша йилнинг 21 июлида чоп этилган эди.

— Давлатимиз мустақиллигига икки йил тўлиб-тўлмай Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан бу нашрни ташкил этиш тўғрисида қарор қабул қилинишининг ўзиёқ футболнинг жамият ҳаётидаги ўрни нақадар муҳимлигига берилган юксак баҳо эди, — деб эслайди газетанинг ўша пайтдаги бош муҳаррири, Ўзбекистонда хизмат кўрсатган журналист Сафар Остонов. — Қарор чиққан ва «O'zbekiston futboli»нинг дастлабки сонини тайёрлаш жараёни, Юртбошимизнинг газетамизга йўллаган табригидаги «Фурсат келди, энди ўзбек футболи ҳам жаҳонда ўз мавқеини топиши керак. Янги нашр ана шу шарафли ишга сидқидилдан хизмат қилади, деб ишонаман», деган улуғ ниятлари, юксак ишончларини ҳамон ҳаяжон билан эслайман. Таҳририят жамоаси, барча спорт журналистлари бу ишончни сидқидилдан оқлашга ҳаракат қилиб келишмоқда. Газета таҳририяти шакилланди, оёққа турди, футбол мавзусида ёзадиган журналистлар сафи кенгайди. Бу нашр 1993 йилдан буён мамлакатимиз футболи тарихини ўз саҳифаларида муҳрлаб келмоқда.

Ўзбек футболининг бугунги тараққиётида ушбу газета таҳририяти ходимлари, жамоатчи мухбирларининг ҳам муносиб ҳиссаси борлигини фахр билан эътироф этамиз. Айни чоғда таъкидлаш лозимки, бугунги ҳаёт спорт журналистларидан янада ғайратли, шижоатли, фидойи бўлишни талаб этмоқда. Спортнинг, футболнинг тараққиёти, бу соҳада эришилган ёрқин ғалабалар Миллат ва Ватан шаънини улуғлайди, халқимизнинг ғурурини оширади. Демак, спорт журналистлари ана шундай шарафли ишга ҳисса қўшмоқда. Бунинг масъулияти ҳам, ифтихори ҳам жуда юксак!

Кеча Ўзбекистон футбол федерацияси мажлислар залида «O'zbekiston futboli» газетасининг ўн беш йиллиги муносабати билан республикамиз оммавий ахборот воситалари ходимлари иштирокида «Мамлакатимиз футболи тарғиботида спорт журналистларининг ўрни» мавзуида давра суҳбати бўлиб ўтди. Унда юртимизнинг таниқли спорт шарҳловчилари Ахбор Имомхўжаев, Мирзаҳаким Тўхтамирзаев, Комилжон Жумаев, фахрий журналист Сайди Умиров ва бошқалар сўзга чиқиб, ўтган йиллар давомида газета ижодкорлари қўлга киритган ютуқлар билан биргаликда таҳририят ходимларининг олдида турган вазифалар хусусида фикр юритдилар. Тадбир сўнггида турли йилларда «O'zbekiston futboli» газетаси таҳририятида қалам тебратган бир қатор ҳамкасбларимиз диплом ва эсдалик совғалар билан тақдирландилар.

«O'zbekiston futboli»нинг балоғат ёши — 15 йиллиги билан барча спорт журналистларини қутлаймиз. Уларнинг футболимиз тарғиботи — тараққиёти йўлидаги машаққатли, масъулиятли, завқли, шарафли, ҳаяжонли ишларига омад тилаймиз!

Эркин ХОЛБОБО

Суратда: *давра суҳбатидан лавҳа.*

Абдивоси ҲАЙДАРОВ олган сурат.

Ёз — ўтмоқда соз

Денов туман Қизил Ярим ой жамияти туман бўлими ташаббуси билан

«ГИЁҲВАНДЛИК ВА ОИТСГА ҚАРШИМИЗ»

шиори остида «Вахшивор» болалар соғломлаштириш оромгоҳида кўрик-танлов ўтказилди

— Ўзбекистон Қизил Ярим ой жамияти мамлакатимизнинг обрўли инсонпарвар жамоат ташкилотларидан биридир, — дейди жамиятнинг Денов туман бўлими раҳбари Дилбар Сафарова. — Юртимизда мазкур жамиятнинг 15 та минтақавий, 184 та туман ҳамда шаҳар бўлимлари мавжуд.

Кўрик-танловда дастлаб гиёҳвандликнинг салбий оқибатлари ҳақида тушунтиришлар берилди. Болалар иштирокидаги саҳна кўринишлари йиғилганларда катта таассурот қолдирди. Савол-жавоб, эркин мавзудаги чиқишлар бўлди.

— Айни кунларда бу ерда 400 нафардан ортиқ болажон мириқиб ҳордиқ чиқармоқда, — дейди оромгоҳ раҳбари Абдувосид Каримов. — Мамлакатимизнинг турли ҳудудларидан келган ўсмирлар учун барча қулай шароитлар яратилган. Бундай кўрик-танловлар ўтказилиши эса, фарзандларимиз тарбиясида муҳим аҳамият касб этади.

Абдумалик ҲАЙДАРОВ

Солиқ ва ҳаёт

ТЎЛОВГА ҲАЛОЛ МУНОСАБАТ ТУЙҒУСИ

ҳар биримизда мукаммал шакллангандагина қонунбузарлик ҳолатларининг олди олинади

Мамлакатимизда кечаётган иқтисодий ислоҳотлар солиқ тизимида ҳам яққол кўзга ташланмоқда. Жорий йилдан амалга кирган янги Солиқ кодекси, унинг афзалликлари бунинг яна бир ёрқин исботи. Энди юртимизда фаолият кўрсатаётган юридик ва жисмоний шахслар, тадбиркорликни ихтиёр этганларнинг аксарияти солиқларнинг шаклланиши, унинг қаерларга сарфланиши, тўлов масъулияти ва маданияти ҳақида тўлиқ тушунчага эгалар.

— Солиқ тўлашга бўлган муносабатни янада яхшилаш учун тарғибот-ташвиқот ишларини кучайтиришимиз даркор, — дейди Қоракўл туман ДСИ бошлиғи Бафоқул Собиров. — Шуни ҳисобга олиб, жамоамиз 205 та хўжалик юритувчи субъектлар, аҳолига хизмат кўрсатувчи шохобчалар ходимлари, аҳолининг барча қатламлари ҳамда мактаб, касб-ҳунар коллежлари талабалари ўртасида кенг кўламли тушунтириш ишлари олиб боришяпти.

Шу ўринда ҳақли савол туғилади: солиқлар вақтида тўланяптими, мавжуд тартиб-қоидаларни четлаб ўтаётган «учар»лар ҳали ҳам учраб турса керак-а?

— Очиғини айтадиган бўлсак, — дейди туман давлат солиқ инспекцияси бўлим бошлиғи Саъдулла Сувонов, — аҳолидан ундириладиган ер, мол-мулк солиғида олдинги йилларга нисбатан ўзгариш жуда катта. Биргина шу йилнинг ўтган олти ойида мазкур йўналишда бюджетга 284 миллион 128000 сўм солиқ ундирилди. Бунинг устига якка тартибда тадбиркорлик билан шуғулланувчилар сони кескин ошмоқда. Ҳозир туманимизда ана шундай фаолият билан шуғулланувчилар сони 720 нафардан ошди.

Гарчи кенг кўламда тушунтириш ишлари олиб борилаётган бўлса-да, ҳали қонунни четлаб ўтишга ҳаракат қилаётганлар ҳам топилади. Ўтган давр мобайнида 42 та ҳолатда қонунбузарликка дуч келинди. Қонунбузарлардан қарийб 11 миллион сўмлик товар моддий бойликлари далилий ашё сифатида олинди. Ёки назорат касса машиналаридан ҳамда қатъий ҳисобда турувчи квитанциялардан фойдаланмасликка ҳаракат қилган 19 нафар хўжалик юритувчи субъектга 13,5 миллион сўмлик жарима қўлланилди.

— Қонунга зид иш қилиб панд едим, — дейди Зиёрат қишлоқ фуқаролар йиғинидаги Яккалам қишлоғида яшовчи Фахриддин Каримов. — Устимдан жиноий иш қўзғатилди...

Хўш, Фахриддин қаерда адашди? У Қоракўл деҳқон бозорида қишлоқ хўжалик маҳсулотлари билан савдо қиларди. Уйида қўлбола усулда тайёрлаган ароқларини пуллашга ҳам жазм этди. Аммо иш чаппасига кетди. Солиқчилар қўлига тушди. Дўконидан ҳар хил ёрлиқли, аммо бир хил акциз маркали қўлбола спиртли ичимликлар, 18 дона 1,3 литрли елим идишларда 23,4 литр спирт маҳсулоти, 1317 дона қалбаки акциз маркалари, 200 дона қопқоқ далилий ашё сифатида олинди.

Бундай нафс бандалари қаторига Дарғали қишлоқ фуқаролар йиғинида яшовчи Файрат Тошев, човлилик Чориқул Раҳматов, Муқимий кўчасида истиқомат қилувчи Маҳмуд Бозоровлар ҳам қўшилди. Улар ДСИдан рўйхатдан ўтмасдан тадбиркорлар «сафи»дан жой олиб, ноқонуний фаолият кўрсатаётгани учун қилмишларига яраша жазо олишлари учун жиноят ишлари бўйича туман судига юборилди.

— Энди ўйлаб кўринг. Мамлакатимизда ҳалол тадбиркорлик билан шуғулланишнинг барча ҳуқуқий асослари яратилган, — дейди ДСИ шўъба бошлиғи Зоир Рўзиқулов. — Нега айрим фуқаролар қинғир ишларга бунчалар мойил? Ҳайрон қоласан киши... Сабаби, улар солиқлар иқтисодиётимиз таянчи эканлигини ҳалигача тушуниб етганларича йўқ. Бизнинг вазифамиз — аҳоли ўртасида солиқ тўлашга бўлган масъулиятни мукаммал шакллантиришдан иборат.

Даврон БАҲРОНОВ, «Ўзбекистон овози» мухбири.

BOSH MUHARRIR:
Safar OSTONOV

TAHRIR HAY'ATI:
Abdulla ORIPOV
Latif G'ULOMOV
Asliddin RUSTAMOV
Bobir ALIMOV
Sharbat ABDULLAYEVA
Feruz NAZIROV
Murodulla ABDULLAYEV
Ulug'bek MUSTAFOYEV
Norqobil JALIL
(Bosh muharrir o'rinbosari)
G'affor HOTAMOV
(Bosh muharrir o'rinbosari)
Muslihiddin MUHIDDINOV
Nomoz SA'DULLAYEV
Svetlana GERASIMOVA
Andrey KUSTOV
Ochilboy RAMATOV
Saidahmad RAHIMOV

MUASSIS:
O'ZBEKISTON XALQ DEMOKRATIK PARTIYASI MARKAZIY KENGASHI

BO'LIMLAR:
Partiya hayoti 233-10-13
Madaniyat va sport 233-69-45, (Tel. Faks) 233-21-43
Ijtimoiy hayot va iqtisodiyot 233-20-36, 233-44-55
Jamoatchilik bilan aloqalar va huquqiy targ'ibot 233-12-56
Mas'ul kotib 233-72-83, 236-55-17
Reklama va e'lonlar 233-38-55, 233-47-80

VILOYAT MUXBIRLARI:
Andijonda — 25-32-70
Buxoroda — 222-10-92
Gulistonda — 25-22-32
Jizzaxda — 5-49-85
Navoiyda — 223-83-73
Namanganda — 6-43-43
Nukusda — 222-70-15
Samarqandda — 35-20-54
Urganchda — 226-51-35
Farg'onada — 26-43-62
Denovda — 8-37641-23-780

MANZILIMIZ:
100000, TOSHKENT, MATBUOTCHILAR KO'CHASI, 32-UY.
e-mail: info@uzbekistonovozi.uz
e-mail: uzbovozi@mail.ru

Navbatchi: Ravshan SHODIYEV

Gazeta «O'zbekiston ovozi»ning kompyuter markazida terildi va sahifalandi.
Sahifalovchi-dasturchilar: Ikromjon ISMOILOV, Sobirjon TUNG'ATOV

«Sharq» nashriyot-matbaa aksiyadorlik kompaniyasi bosmaxonasida chop etildi.
Korxona manzili: Buyuk Turon ko'chasi, 41-uy.

Gazeta O'zbekiston Matbuot va axborot agentligida 0006-raqam bilan 2007 yil 11 yanvarda ro'yxatga olingan.
Gazeta ofset usulida, A-2 formatida bosildi.
Hajmi 2 bosma taboq.
Gazeta seshanba, payshanba va shanba kunlari chiqadi.
«O'zbekiston ovozi» materiallarini ko'chirib bosish faqat tahririyat ruxsati bilan amalga oshiriladi.

Г — 649
8078 nusxada bosildi
t — Tijorat materiallari
O'zA yakuni — 22.50
Topshirilgan vaqti — 00.50
1 2 3 4 5 6 8
Sotuvda erkin narxda